

Икки йил илгари Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудидаги бўз ерларда деҳқончиликни янада ривожлантириш мақсадида «Бўстон» канали қурилиши бошланган эди. Узунлиги 35,3 километрлик бу иншоотни «Оролсувқурилиши» бирлашмаси қурувчилари бунёд этди. Секундига 50 кубометр сув ўтказиш қувватига эга канал Эллиқалъа туманидаги деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 65 фоизини узлуксиз сув билан таъминлай олади. Янги сув йўлининг ишга туширилиши катта шодийна билан нишонланди. (ЎЗА)

ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 16 июл, чоршанба № 109 (1534)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Ўзбекистонимизнинг қайси бир ҳўжалик, қорхона ёки муассасасида бўлмаган фидокор хотин-қизлар жонбозлик қўрсатиб меҳнат қилишаётганини кўрасиз. Улар Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигини муносиб совғалар билан қутиб олишга азму қарор қилишган. Суратларда: Мингбулоқ туманидаги Навоий номили ширкат ҳўжалиги пудратчиси Раъно Эргашева (чапдан биринчи); Навоий вилоятидаги «Нон» акциядорлик жамияти ишчи-

П.АКБАРОВ, И.ХАСАНОВ ва Б.НОРКУЛОВ олган суратлар

Республикада аграр соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади мамлакат озиқ-овқат саноати салоҳиятини мустақамлаш, кишлоқ ҳўжалик иқтисодиётини юксалтириш, мулкдорлар синфини мустақам шакллантиришдан иборатдир.

Соҳани жадал ривожлантириш, фермерларга янги рағбатлантирувчи омилларни яратиб бериш, деҳқонларда мулкка эгаллик ҳиссини мустақамлаш мақсадида Қашқадарёда ҳам ибратли ишлар қилинаёпти. Аини пайтда воҳада 8542 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатиб, уларга ажратилган ер майдони 244706 гектарни ташкил этади. Шулардан 437 та чорвачилик, 317 та бодғорчилик, 7788 таси эса деҳқончилик билан банд.

Вилоят ҳокимлигининг саяё-ҳаракати ва кўмаги билан замонавий технология, илгор тажрибага асосланган фермер ҳўжаликлари вуҳудга келди. Хозирги пайтда 90736 гектар майдонда фермер ҳўжаликлари бошқоқли дон экинлари етиштирилди. Жорий йилда 168600 тонна дон сотиш юзасидан тайёрлов қорхоналари билан шартнома тузилган бўлиб, галла ўрими-йиғини мавсуми ушқоқли билан олиб борилаёпти. Шу кунга 2000 дан ортиқ фермерлар шартнома режаларини ошириб адо этдилар.

ФЕРМЕР мулкдорлар синфининг истиқболли вакили

рени такомиллаштириш, махсулот етиштирувчининг мустақиллигини ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш тақозо этмоқда, - дейди вилоят деҳқон ва фермер ҳўжаликлари вакилининг директори Фарход Окъбеов. - Кувончиси, ўз меҳнати натижаларини етиштирган махсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни тасарруф этишда фермерларга қатор имтиёзлар берилди. Энг муҳими, фермер ҳўжаликлари синфининг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш қорхона, ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишмоқда.

Вилоятда 2003-2005 йилларга мўлжалланган фермер ҳўжаликлари ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди ва ер захираларидан фойдаланишнинг аниқ дастури белгиланди. Воҳа ҳудуди кенг

Ислохот инсон учун

бўлса-да, экин майдонларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Хозирги пайтда 26-30 гектар ерга эгаллик қилаётган фермерлар 1211 тани ташкил этади. 171 та фермер ҳўжалигида эса бор-йўғи 1 гектардан 5 гектаргача ер мавжуд, ҳоло, 444 та фермер ҳўжалиги 80-100 гектардан, 178 таси 100 гектардан ортиқ экин майдонига эга. Бунинг устига ерларнинг жүрғофий жойлашуви, мелiorатив ҳолати, су-

лислик ҳолатлари ҳам унраб турибди. Утган йили вилоятдаги фермер ҳўжаликлари ўзларига тегишли пахта ёғининг 31,8, шортнинг 27,9, шулхнинг 30,1 фоизини олишган, ҳоло, «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир», дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида. Аммо айрим раҳбарлар томонидан «Ер тўғрисида»ги Кодекс, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилаёпти. Масалан, Яқкабоб туман ҳокими қарори билан «Шаҳобиддин», «Хусан бобо», «Абдуразоқ ота», «Ал Малик», «Саховат» ва «Мустафо бобо» фермер ҳўжаликлари экин майдонлари қонунсиз олиб қўйилган. «Чорвадор», «Ашур ота», «Нормат ота» фермер ҳўжаликлари эса қонунчилик тугатиб юборилганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

Фермерлар малакасини ошириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга ўргатиш ва йўналтириш - давр талаби. Ҳўжалик юритиш ва замонавий бошқарув усулларини эгаллаш, касб маҳоратини ошириш, бизнес режа, ҳисобкитоб, кредит, солиқ, маркетинг, менежмент, лизинг, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва чорва молларини даволаш, техникадан фойдаланишни ташкил этиш кўникмаларини ўзлаштириш муваффақиятини таъминлайди. Фермер ҳўжалиги аъзоларини иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш учун жамоаларда қасба уюшма хизматини йўлга қўйиш, меҳнат ахлини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш яқши самара беради.

ЎЛҚИН

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Огоҳлик масъулиятдир» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар фаоллари, ҳуқуқий муҳофаза этувчи идоралар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, посбонлар, профилактика инспекторлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ОГОҲЛИК МАСЪУЛИЯТДИР

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов тадбирни очар экан, эл-юрт тинчлиги, осойишталиги ҳар қандай жамиятнинг ўз олдида қўйган бирламчи вазифаси эканини таъкидлади. Тинчликни таъминлаш эса фақатгина ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Ички ишлар вазири З.Алматов бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда кенг жамоатчиликнинг ўрни ва

вазифалари, мустақилликнинг қадрига етиш, уни мустақамлаш, тинчликни таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги масалалари хусусида сўзлади. Анжуманда жаҳоннинг турли бурчакларида, жумладан, мамлакатимизга қўшни ҳудудларда турли террорчи гуруҳлар томонидан инсониятга қарши ваҳшиёна жиноятлар амалга оширилганлиги, бунинг натижасида қўлга бегуноҳ кишилар ҳалок бўлаётгани, бу ҳолат ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги зарурлигига эътибор қаратилди. Шу боис ёшлар тарбияси, уларнинг жиноятчилик, ақдапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатлар домига илинишининг олдини олиш зарур.

(ЎЗА)

САМАРҚАНДЛИКЛАР ҲАМ МАРРАГА ЕТДИ

Мамлакатимиз галла мустақиллигини таъминлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган галлакорлар бирин кетин зафар маррасини эгалламоқда. Улар сафига самарқандликлар ҳам қўшилди. Қабул пунктларига 276 миң тоннага яқин сара дон етказиб берган вилоят деҳқонлари, йиллик шартномавий режани ортиги билан бажарди. Уртача ҳосилдорлик 54,4 центнерни ташкил этди. Бу ўтган йилгидан қарий беш центнер кўп. Пастдарғом, Пайарик, Жомбой, Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи туманлари вилоят галла хирмониغا муносиб улш қўшди. Самарқандда ўрими-йиғини давом этмоқда. Галладан бўшлаган майдонлар шудгорлини, келгуси йил ҳосили учун замин яратилмоқда.

(ЎЗА)

Меҳнат ва рағбат

Қаердаки меҳнатдан манфаатдорлик бўлса, ишловчилар меҳнатига яраша рағбатлантирилса, ўша жойда самарадорлик юқори бўлиб, фаровонлик ошади. Зотан, муваффақиятларнинг бош омилли муносиб рағбатдир. Фикримиз исботини Ўзгор туманидаги «Истиқлол» ширкат ҳўжалиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

ҚИШЛОҚҚА ОҚШОМ ЧЎККАНДА

Ҳўжалик асосан пахтачилик ва галлачиликка иқтисослашган бўлиб, 5,5 миң гектар экин майдонига эга, 800 нафардан ортиқ ширкат аъзоларининг заҳматли меҳнати замирида ана шу соҳаларни ривожлантириш орқали халқ турмуш тарзини янада яхшилашдек эзгу мақсад яширин. Албатта, бу мақсадларга эришиш учун энг аввало меҳнаткашларни доимий равишда рағбатлантириб бориш лозим. Дарвоқе, ўн етти йилдан бунён ҳўжаликка сарқорлик қилиб келаётган тажрибали раҳбар Нурали Аралов бунни билади. Шу боис бўлса керак, ҳўжалик ҳудудидаги қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаёпти. Хозирда хонадонларнинг қарийб 80 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда. Эндиги саяё-ҳаракатлар эса ҳудудни тўлиқ газлаштириш ҳамда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган.

Бу ишларни амалга ошириш учун имкониятимиз етарли, - дейди ҳўжалик раҳбари. - Чунки ишни тўғри ташкил этиш натижасида барча соҳалардан қўланганидек даромад олаёпти. Масалан, ўтган йили яқин даромад 537 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 100 миллион соф даромаддир. Бу йил хусусан, галлачиликдан яқшигина даромад олишни чамалаб турибмиз. Дарҳақиқат, «Истиқлол» нафақат туман, балки вилоятда ҳам энг бой ҳўжаликлардан бири саналади. Ҳўжалик унумдор экинзорларидан ташқари 400 бош қорамол, 500 бош қўй-эчки, 3 миң бош паррандага ҳам эга. Қўрилаётган фойданинг аксарият қисми қишлоқларни ободлаштириш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, таълим тизимини юксалтириш ҳамда жимсоний тарбия ва спортни ривожлантиришга сарфланмоқда. Мисол тариқасида жорий йилда ҳўжалик ҳудудидаги таълим масканларида болалар спортини ривожлантириш мақсадида 1 миллион 200 миң сўм маблағ ажратилганлигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, «Болалар спортини ривожлантириш» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари ҳисоб-рақамларига 500 миң сўмдан ортиқ маблағ ўтказиб берилди. Шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг оромгоҳларида мазмунли хордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор хайрли тадбирлар бажарилди.

Утган йили ҳўжалик ишчиларига 372 тонна галла муқофот тариқасида тарқатилди. Боз устига 26 миллион сўм қўшимча иш ҳақи ва дивидент тўланди. Пахтачиликда эришилган юксак натижалар учун ҳўжалик «УАЗ» маркали автомашина билан тақдирланди. 460 гектар суви, 604 гектар лаъли майдонда галладан мўл ҳосил етиштирган ҳўжалик меҳнаткашлари аини пайтда ҳосил сарҳисоби билан бандлар. Хомаки ҳисоб-китобларга қўра галлакорлар ўтган йилдагидан-да кўп даромад олишлари, шунингдек, салмоқли галла муқофот тарзида берилиши кўзланмоқда.

Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонсн» мухбири

Жумабой ота Шаҳрихоннинг «Янги ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилади. Аср билан бўйлашган табарруқ инсон. Ҳокимлик ташаббуси билан уюштирилган «Юз билан юзлашганлар» тадбири бир умр ёдида қолди.

Йиғинга 100 ёшга етган 56 нафар отахону онахонлар тақлиф этилдилар. Ота мусика сўҳридан эрий бошладилар. Хўзурбахш кўк чойдан хўплаб, беихтиёр кечмишини ўйлаб кетди. Саратон оташларида қошлари жизгинак бўлиб, эгаларга сув таради. Куз изғиринида ҳам пахта терди, баъзан белигача лойга ботиб зовур қазиди. Барибир қосаи оқрмади. Хаммадан хам алам қиладигани уи донна қўсақни билиб-билмай нобуд қилган кетмончи йиғитни маъмурулар мажлисдан олиб мажлисга солишди, ҳатто авахтага ташланган кезлар хам бўлди.

Жумабой ота ҳавлан ўзи билан ўзи ана шундай савол-жавоб қилаётганда туман ҳокими Мухаммадхон Раззоқов йўқлаб қолди. Ҳоким уни қўтлаб янги сарпо кийдирди.

Давра сўхбатли бошланди. Ҳоким мустақиллик йилларида амалга оширилган ободончилик ишлари, хайрли ўзгаришлар

Юз ёшли Жумабой ота Деҳқонов:

БОР БЎЛ, ИСТИҚЛОЛ!

ҳақида сўзлаб берди.

Ватан остондан бошланади. Отахонлар энгил машиналарда Шаҳрихоннинг янги қиёфаси билан таниша бошладилар. 300 нафар талаба билим оладиган қишлоқ ҳўжалик ҳодимлари тайёрлайдиган касб-хунар коллежи шаҳарга ёқут кўздек ярашиб турибди. Шунингдек, истиқлол йилларида 3 та саноат ва касб-хунар коллежлари янгитдан таъмирланиб ишга туширилди.

Туман бўйига ва энига кенгайиб бормоқда. Харитада «Мустақиллик» ва «Наврўз» массивлари пайдо бўлди. Янги масканлар гузар, чойхона, савдо уйлари, пойафзал таъмирлаш, сартарошхона сингари маданий-маиший мажмуалар одамлар хизматида. Ёки йилига қўплаб янги уй-жойлар қад кўтармоқда.

Соғлиқни сақлаш дастурини амалга оширишдаги хайрли ишлар ҳаммани қувонтирмоқда. 50 ўринли «Шошилинч тез тиббий ёрдам» маркази ҳам мустақиллик шарофати. Илгари, тўсатдан касалга чалинганлар вило-

ят марказига қатнашга мажбур эди. Эндиликда беморлар замонавий сийҳатгоҳда касаллиқнинг барча тури бўйича, бунинг устига бепул бирламчи тез тиббий ёрдам олиш имкониятига эгадирлар.

Ана шундай шифохоналар 3 та қишлоқда қурилиб фойдаланишга топширилди. Маматов номили, Навоий номили, «Янги ҳаёт» ширкат ҳўжаликларида бунроқ этилган қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. «Дориломон» қишлоғида 70 ўринли замонавий даволаш уйининг қурилиши бошланди.

Бугун Шаҳрихонда 5 та қўша қорхона иш олиб бормоқда. Натижада «Бандлик» дастури муваффақиятли амалга оширилганлиги. Масалан, «Косма Электроник» Корёя-Ўзбекистон қўша қорхонаси ишга туширилди билан 80 нафар ёшлар янги жамоадан қўним топди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган электр кабеллари Япония, Германия каби ривожланган

мамлакатларда талаб ортиб бормоқда. «Ривожтаныбао» Хитой-Ўзбекистон қорхонаси орқали Шаҳрихон тамғаси босилган трикотаж махсулотлар жаҳон кезмоқда. Мухими, 50 нафар шаҳарлик ўғил-қизлар янги иш ўрнига эга бўлиб, замонавий техника ва технология билан тиллашмоқда. «Хантекс», «Эдельвейс» қорхоналари орқали россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорлиқни ривожлантиряпти.

Одамлар дунё қаршида ижобий ўзгаришлар содир бўлди, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, эл-юрт хизматида камарбаста кишилар кўпайди. Олий Мажлис депутати Комилжон Отахонов 200 ўринли мактаб қурилишида ўз сармоси билан қатнашди. Хикматилла Киличқоев ташаббуси билан Самарқанддан 20 та «Отыйўл» автобуси сотиб олинди, Шаҳрихон-Бўз-Анджон шаҳарлари орасида транспорт катнови йўлга қўйилди. Маҳаллий ишбилармонлардан фермер Маша-

Сиз кутган учрашув

КЎЗНИ ЮМГИЛ, КЎЗГА АЙЛАНСУН КЎНГУЛ

Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Муножотхоним Йўлчиева ҳузурда

Муножотхоним шундан бери мумот қўшқлар ижроси сифатида халқ кўнглининг тўрида турди. Йиллар силсиласида не-не қўшқлар унутилиб йўқолиб кетди. Унинг қўшқлари эса маънавиятимиз хазинасидаги бебаҳо дурдона мисол томошабин қалбини охирабодек ўзига жалб этди. Муножотхоним аждодлардан мерос бу уммондан баҳра олгани сайин дунё ҳақидаги тасаввурлари кенгайиб, унинг сир-синаотларидан воқиф бўлиб, илм-маърифатга интилиши кучайиб борди. Бу эзгу йўлда у мумот адабиёт дурдоналари - назм ва навога суянди. Сўздан қувват олди. Бу ҳақда Муножотхоним шундай дейди:

Дунёда шундай масофасиз яқинлик борки, қўшиқ ана шу яқинликка яшайди. Бу яқинликка элитувчи йўл. - Муножот йўли унинг бир бошида шоир қалби турса, иккинчисиде ҳофиз, ўртада эса томошабин қалби туради. Уни забт этмиш учун аввал шоир қалбини англамоқ керак. Ҳазрат Навоийнинг ҳар бир газали ўзини излаётган руҳинг бир-бирига ўтвучи йўли - мақомига ўхшайди. Навоийнинг буюклиги шунда, Шарқ газалиётининг боқийлиги, Шарқ фалсафасининг дошиманда (Боши ўтган сонда)



лиги ана шунда. Биз, мумот қўшиқ ижрочилари халқимизнинг қалбиде қўшиб ётган ана шу уммонни юзага чиқаришимиз, миллатнинг ўзлик аталмиш хазинасини ўзига қайтармоғимиз керак. Муножотхоним қўшқларида халқ қалбининг тўғнлари бор, унда миллат дардининг тарихи, орзу-армонлари яшинган. Шу боис у қўйлаганда қалблар жунбушга келади, юрак қаттидаги эзгу туйғулар уйғонади. Давр сибсати тудфайли 80-йилларда уни бу эзгу йўлдан чаглитмоқчи ҳам бўлишган эди. - Кечагдай эсимда, бугунги концертга мақом тўғри келмайди, замонавий қўшиқ айтасиз» деб туриб олишди. Ушанда махсус кўрсатма билан «нефтларга кон, пахтага макон» деган сўзлари бор «заказ» қўшиқ айтганман. Шунда ашула тугаши билан бир яхши одам «Қизим бунақа нарсаларни қўйламагин, сенинг йўлинг бошқа, мумот ашула қўйлашдан қолмагин» дедилар. Шундан буён мумот қўшқларни қўйлайман. Айниқса, мустақиллик мумот қўшиқчилигимизда янги саҳифа очди. Дунё аҳли бугун бизнинг катта санъатимизга тақдир ўқитган экан, бу - истиклол шарофати, муҳтарам Президентимизнинг миллий қўшиқчилигимизга катта эътиборлари натижасидир. Мамлакатимизда ўтаётган халқаро анжуманлар мумот қўшиқчилигимизни дунёга қайта-қайта кўз-кўз қилмоқда. Мустақиллик иноти билан Муножотхоним Франция, Америка, Иордания, Швейцария, Германия, Италия, Мароккаш, Бразилия каби ўнлаб хорижий давлатларда ижодий сафарда бўлди. 300 кишидан 2000 кишигача томошабин сифатини нуфузли санъат қосоналариде концерт берди. Хорижий санъат илхомландлари билан олиқшлаб турган эди. - Италияда концертимиз бошлангандан олдин хомиллар «бизда санъаткорлар қўшиқ айтаётганда томошабинлар ўзаре сўбатлашиб туриши одат, кўнглингизга олма» деб аввалдан кечирим сўрашди, - деб хотирлайди Муножотхоним. - Биз ҳам одатлари шу экан-да деб концертни бошладик. Битта қўшиқ тугади, ҳамма жим, иккинчисиде яна жимлик. Йўқ, концерт тугадики, зал сув қўйгандек сукунатда бўлди. Кейин мезбонлар «томошабинларни қандай «гипноз» қилдирганлар» деб сўрашди. Муножотхоним ўз устида

ишладан, буюқ маънавият дурдоналарини ўқиб-ўрганишдан ҳеч чарчамайди. У ҳоқ катта саҳна бўлсин, ҳоқ кичик гуруҳ бўлсин ҳар бир чиқишига алоҳида таратдуд кўради. Қўшиқларини дил-дилдан ижро этди. Қалбдан ижро этилган қўшиқ эса қалбларини забт этди. Муножотхоним мумот қўшиқларининг мохир ижроси бўлиш билан бирга миллий маданиятимиз, маънавий меросимизнинг фидойи тарғибчиси ва жонқуридир. ЮНЕСКОнинг «Дунё халқларининг моддий ва номоддий меросини сақлаш ва эълон қилиш» бўлимининг хайъат аъзоси сифатиде унинг фаолияти ҳам салмоқлидир. Бўлимнинг Америка, Япония, Франция, Корея, Хитой каби ривожланган мамлакатлардан жамланган 16 нафар аъзоси бор. Марказий Осиё давлатлари орасиде фақат Муножотхонимнинг номзоди танлаб олинишида ҳам рамзий маъно бор. Нуфузли хайъат аъзолари режа асосиде Парижда тўланиб, дунё халқларининг ноёб маданий ёдгорлиқларини сақлаш ва уларни умумбашарий дурдона деб эълон қилиш учун тақдим қилинган ҳужжатли фильмларни муҳокима қилишди. 2002 йилда 33 та давлатдан тақдим этилган асарларнинг 19 таси қабул қилинди. Улар орасиде Муножотхоним тақдим этган Бойсун тумани - умумбашарий дурдона сифатиде эътироф этилди. Негаки бу ҳудудда қадимий урф-одатлар, анъаналар, тил ва маданият асл ҳолича сақланган. Халқаро дастур доирасининг ўн йиллик режасига асосан Бойсунда халқ мероси ва фольклор санъатини сақлаб қолиш ва асраш учун катта маблағ ажратилди. Бу ҳудуд ҳақида дурдона асарлар чоп этилди. Катта байрам сифатиде ўтказилган «Бойсун баҳори» халқаро кўрик-танловини ҳам Муножотхоним амалга оширган эзгу ишларнинг бир йўналишидир. Муножотхоним аjoyиб ташкилотчи бўлишидан ташқари оилада севимли бека, меҳрибон онадир. Турмуш ўртоғи Хурматилла Бўриев - Тошкент давлат Шарқшунослик олийгоҳида ишлайди. Икки ўғиллари бор. Музаффар 14 ёшда, Шўхратбек 9 ёшда. Қайноқа-қайнона хизматини қилиб дуо олишни, ота-онасига мадад кўрсатишни Муножотхоним қалб амри деб билади. Шу боис меҳнат таътилини оиласи билан Андиде ўтказишни ҳуш кўради. У ҳамма энг катта бойлигим ота-онам, оилам тугалиги, юртим тинчлиги бўлса, энг улғу муқофотим халқимнинг меҳр-муҳаббатиде, эл назари, дейди.

Амина ҚОДИРОВА

Бу турфа олам «ОВЧИ ЎРА» ЎСИМЛИГИ

Дунёда ҳашарот тўтиб, еб ҳаёт кечирадиган қўшлар бор. Бор бўлганда ҳам жуда кўп. Аксари ҳашаротхўр ўсимликларнинг ўзлакли интириқларини тўқлаери - барглари дид. Қўринишда баргдан ҳам кўра муштукка, халтага, кўзага ўхшайдиган барглари ҳашарот тўтишига жуда мослашган бўлади. Шимолий Америка ботқоқликлариде «овчи ўра» деган ўсимлик ўсади. Бу ўсимликнинг ер бағрида ётадиган барглари ости ва усти тор, ўртаси қаппайган халтага ўхшайди. Халтанинг оғзиде чиғаноққа ўхшаш қондек қип-қизил томир отган ўрама барги бор. Шу баргга ёмғир суви тўпланди. Ҳатто ёмғир ҳам ёғадиган ёз ойларида ҳам оз бўлса-да, суви бўлади. Ўсимликларнинг барглари турли ҳашаротлар учун тўса-қимас қопқондир. Ўзоқдаги бу ўсимликнинг ярқираган барглари кўрган ҳашаротлар беҳиштир унга яқинлашади. Бу ерда уларни жуда аjoyиб ҳўрак қўтиб туради. У ҳам бўлса халтанинг оғзидеги тиник шира томчиларидид. Ҳашарот шира дардиде тобора халтанинг ичкарасига қираверади ва ярми сув билан тўлган ўрага тушиб кетадиде, шу билан қайта ёруғ жаҳонни кўрмайди. Комбоджа давлатининг пойтахти Пном-Пень шаҳрининг ҳар қайси фўқароси шаҳар қўчаларидан бирига ўз номини қўйдириши мумкин. Лекин бундай киши пойтахт ҳокимининг битта шартини бажариши керак. Шарт шуки, мазкур киши ўз номига қўйиладиган қўчага тош тердириши ва ундан доим бохабар бўлиб туриши даркор. Ҳид билишда эркак ипак қўртининг олдиға тўшадиган жонивор йўқ экан. Эркак ипак қўртининг хидини ақловбар қилмайдиган масофада - 12 километр наридан ҳам сезар экан. Бразилияда галати бир қўрбақа яшайди. Маҳаллий аҳоли тилида қиянка аки деб аталадиган бу махлўқ йил сайин катталашиб ўрнига, қичрайди боради. Ҳа, ёшлиғиде унинг бўйи қорак метрга етса, қариганда аранг беш сантиметр келади. А.АКБАРОВ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури—амалда


АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

бошқарманинг услубий маркази деб белгиланди

Ёш авлодни чўқур билимли, истеъдодли ва касб-хўнарли мутахассислар қилиб тарбиялаш, бу аслида мамлакат истикболига қўйилган мустахкам пойдевордир.

Қарши шаҳридаги жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган, барча қўлайликларга эга «Нуритон» академик лицейи янги истеъдодларни кашф этиб, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга муносиб хисса қўшиб келаяпти. Ҳуқуқ жараёни ўзига ҳос педагогик-психологик тарбиявий ишлари билан уйғунлашган ҳолда давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ олиб борилаяпти.

Таълим маскани ижтимоий-гуманитар, аниқ, табиий фанлар, хорижий тиллар йўналишида 620 нафар ўғил-қизни ўз бағрига сиғдириши имкониятига эга. Билим юрти нуфузини шундан ҳам билиш мумкинки, 72 ўқитувчидан 9 таси фан номзоди ва доцентлар, 34 таси катта ўқитувчи, қолганлари юқори тоифали муаллимлардир. Мавжуд 5 та фан кафедраларида машғулотлар қизиқарили ва мазмунли ташкил этилиб, барча шароитлар яратилган. Бундан икки йил муқаддам лицей директори, тарих фанлари номзоди Баҳром Узоқов Франциянинг Версаль академиясида малака ошириб келган эди. Мурабийларнинг қўпчилиги кўрик-танловларда голиб чиқиб Англия, Франция, Жаңуий Корея, АКШ, Финландия, Германия давлатларидаги олий таълим масканларида бўлиб, билим ва тажрибаларини мустахкамладилар. - Педагогик жамоамиз келажакда мамлакат илм-фан, техника тараққийтини юксалтиришга улғуш қўшадиган ижодкор ишларни тарбиялаб вояга етказмоқда, - дейди академик лицей директори Б.Узоқов. - Вилоят миқёсида «Лаборатория машғулотларининг ўқув жараёнидаги роли» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда академик лицей, ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармасининг «Услубий маркази» деб белгиланди. Ҳуқуқ даргоҳининг тўртта компьютер хонаси информатика фани ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Талабаларга ҳар томонлама пухта билим беришда аниқ фанлар кафедраси мудири, халқ таълими



кичдан учинчи босқичга ўтказилди. Биринчи босқич талабалари Малика Ғуломова ва Бахтигул Шоқулвалар республика иншоилар кўрик-танловиде голибликни қўлга киритдилар. Тарбияланувчиларга инглиз, немис, француз ва рус тиллари ўргатилаяпти. Хорижий тиллар бўйича дарслар замонавий жиҳозланган лингва ва компьютер хоналариде олиб борилади. Асосий тарбияланишда ташқари қўшимча машғулотлар ҳам ташкил этилган. Педагогик жамоада бутун билим ва маҳоратини ёшлар тарбиясига бағишлаган тажрибали педагоглар қўп. «Шўртак» медали соҳибаси Мамлакат Ўлжаева, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, ўрта махсус касб-хўнар таълими ёлочиеси Мавжуда Борзова, инглиз тили муаллими У.Абдуллаев, физика фа-

билан шуғулланиш учун ҳамма қўлайликлар яратилган. Халқаро тоифадаги спорт устаси А.Синёв мураббийлик қилаётган ёшлардан Р.Чўлиев, А.Ражабов шоҳмўст, Б.Маматов, А.Воҳидов, Е.Телвис, А.Семирханова, Е.Беленос баскетбол бўйича вилоят мусобақаларининг голиби бўлишди. Дарсларни замонавий технологиялар асосиде ташкил этиш таълим сифатининг кафолатидир. Академик лицей жамоаси юртимиз таянчи, истиқболли ҳисобланган ёшларни она-Ватанга садоқатли, чуқур билимли, маънавий жиҳатдан етуқ кишилар қилиб тарбиялаш учун ўқитишнинг самарали усулларидан фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқда. И.ИСОМИДНОВ, Ш.СУЛТОНОВ Сўрагларда: академик лицей фаолиятиндан лавҳалар

Катта марказий шаҳарларга бориб маданий ҳордиқ чиқаришга, санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлишга ҳаммамизнинг ҳам имконияти етавермайди. Шунинг учун бугунги кунда жойларда маданий хизматни юқори даражада ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий жиҳатдан барқарорликка эришяётган туманларимизда бунинг учун шароит бор.

БАХШИЛАР МАКТАБИ

Ҳозир Нарпай туманида 25 та маданий уйи, 46 та кутубхона, битта санъат ва музыка мактаби, Мирбозор халқ музейи фаолият кўрсатаяпти. Туман маркази Оқтош шаҳридаги маданият ва ишроҳат боғи ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Маданий муассасаларининг асосий қисми қишлоқларда жойлашган. Кейинги йилларда уларни музыка асбоблари, саҳна анжомлари ва либослар билан таъминлаш аяшланди. Бадий ҳаваскорлар ва санъаткорларимиз халқимизга маданий хизмат кўрсатишда меҳнатларини аяшмаяпти. Айниқса, қишлоқ ҳўжалик ишлари мавсумида дала ишлариға ҳуш қайфият бахш этиш мақсадида қўллаб тadbирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари маданият уйлари, кутубхоналар, маҳаллалар ва ташкилотларда бадий кечалар уюштирилаяпти. Туман маданий ходимлари бундан ташқари вилоят ва республикада ўтказилаятган байрам тadbирларида, кўрик-танловларда ҳам муваффақиятли қатнашяпти. Хусусан, машҳур Ислоом шoir ўғли Зиёдулла бахши Исломов Сурхондарёда ўтказилган республика бахши шoirлар кўрик-танловининг мутлоқ голиби бўлди. Ҳозир унинг ўнлаб шоғирдлари бор. Дилшод Ҳамроев, Санжар Комолов, Мавлон Қурбонов, Шерали Орипов каби издошлари элга танилиб қолди. Халқ оғзаки ижоди дурдоналарини сақлаб қолиш, ривожлантириш мақсадида туманда бахшилик санъати мактаби очилди. Унинг фаолияти юксалиб бормоқда. Санъат маънавий ҳаёти-мизда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ёшларни бу гулшанга жалб қилишга катта эътибор қаратмоқдамиз. Тумандаги санъат ва музыка мактаблари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Мавжуд тўғрақларда 300 нафарга яқин ўғил-қизлар турли йўналишлар бўйича санъат сирларини ўрганишяпти. Шу билан бирга юртимизнинг таниқли санъаткорлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Обид Асосов, Озода Нурсаидова, Музаффар Жуманиёзов кабилар туман меҳнатқашарига хизмат кўрсатибгина қолмай, маданият ишлари ривожига мунтазам ёрдам беришмоқда. Б.НУРМУМИНОВ, Нарпай туман маданият ишлари бўлими мудири

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Ёсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.40. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Хабарлар оқимидан: Чилонзор туманидаги 162-мактаб томонидан 1993-94 ўқув йилларида Арипджанов Дилшод Нигматжонович номига берилган АН433194 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 194. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютериде терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. Тиражи: 9249 Буюртма Г— 557. 1 2 3 4 5 6